

КИБЕРЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Tashtemirov Anvar Aliqulovich

O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, Ma'muriy huquq kafedrasida dotsenti. E-mail: anvartoshtemirov05031979@gmail.com.

Isroilov Jasurbek Shukurjon o'g'li

*O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi,
3-o'quv kursi, 307-guruh kursanti*

Аннотасија: *Ushbu maqolada kiberjinoyatchilik tushunchasi, turlari, zamonaviy shakllari, shuningdek unga qarshi kurashishda shaxs huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilishning tashkiliy-huquqiy asoslari hamda ilg'or xorijiy tajribalari atroflicha tahlil qilinadi.*

Калит со'злар: *kiberjinoyatchilik, kiberjinoyat, kiberterrorizm, хaker, DDoS, sinergiya, kiberxavfsizlik, kiberjinoyatchilik globalizatsiyasi va boshqalar.*

MODERN TRENDS IN COMBATING CYBERCRIME

Annotation: *This article provides a detailed analysis of the concept of cybercrime, its types and modern forms, as well as the organizational and legal foundations for protecting individual rights and legitimate interests in combating it, along with the study of advanced foreign experience.*

Key words: *cyber crime, cyber crime, cyber terrorism, hacker, DDoS, synergy, cyber security, globalization of cyber crime, etc.*

СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ БОРЬБЫ С КИБЕРПРЕСТУПНОСТЬЮ

Аннотация: *В данной статье подробно анализируются понятие киберпреступности, её виды и современные формы, а также организационно-правовые основы защиты прав личности и законных интересов при борьбе с ней, наряду с изучением передового зарубежного опыта.*

Ключевые слова: *киберпреступность, киберпреступность, кибертерроризм, хакер, DDoS, синергия, кибербезопасность, глобализация киберпреступности и др.*

Замонавий дунёда рақамли технологиялар иқтисодиёт, ижтимоий муносабатлар ва давлат бошқарувининг барча соҳаларига чуқур кириб бормоқда. Интернет, мобил алоқа, электрон тўлов тизимлари ва сунъий интеллект каби инновацион воситалар инсон ҳаётини енгиллаштирган бўлса-да, уларнинг кенг тарқалиши янги хавф-хатарларни, хусусан,

киберфирибгарликнинг турли кўринишларини келтириб чиқармоқда. Рақамли муҳитда содир этилаётган фирибгарликлар шахсларнинг молиявий зарар кўришига, шахсий маълумотларининг ўғирланиши ёки ошкор этилиши орқали уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимояловчи ҳуқуқий манфаатларига путур етишига олиб келади. Бундай хатти-ҳаракатлар нафақат жабрланувчиларга, балки жамиятда рақамли технологияларга бўлган ишончга ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Ушбу мақолада кибержиноятчиликка қарши курашиш орқали шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари атрофлича таҳлил қилинади. Хусусан, мавжуд қонунчилик базасининг самарадорлиги, давлат органлари ва хусусий секторнинг киберхавфсизликни таъминлашдаги роли, шунингдек, халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти ўрганилади. Бундан ташқари, киберфирибгарликнинг хусусиятлари, унинг шахслар ва жамиятга таъсири, ҳимоя механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. Ушбу тадқиқотнинг мақсади – рақамли муҳитда шахсларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилувчи амалий ва назарий асосларни шакллантиришдан иборатдир.

Ўзбекистонда рақамли технологияларнинг ривожланиши билан бирга бу борада шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашнинг зарурати ҳам тобора ортиб бормоқда. Ушбу заруратдан келиб чиқиб амалга оширилиши белгиланадиган вазифалар самарадорлиги кўп жиҳатдан масалага нафақат қонунчилик нуқтаи назаридан, балки институционал, технологик ва маданий жиҳатлардан ҳам ёндашиш заруратини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2025 йил 30 апрель куни имзоланган “Рақамли технологиялар ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 153-сонли қарорнинг мазмун ва моҳияти ҳам бугунги кунда содир этилиш механизми ва турлари тобора кўпайиб, янги кўриниш ва шаклларда намоён бўлаётган кибержиноятлардан шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга қаратилган бўлиб, ушбу қарорнинг қабул қилиниши бу йўналишдаги энг муҳим ва зарурий нормалардан бири сифатида шахсни рақамли ҳимоя қилиш ёндашувининг бурилиш нуқтаси бўлди. Ушбу ҳужжат аввал белгиланган тамойилларни нафақат тўлдиради, балки уларни тизимли равишда амалга оширишни амалда ишга туширади.

Мазкур норма, Ўзбекистонда кибержиноятчиликдан шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашни расмий меъёрий тартибга солиш билан бирга, уни институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда унга қарши курашнинг технологик, ижтимоий ва кибермаданият тизимларини ҳам шакллантириб бориш лозимлигини кўрсатади.

Ушбу қарор кибержиноятчиликка қарши курашни декларатив ҳолатдан аниқ мажбуриятлар режимига ўтказди. Ички ишлар вазирлиги ушбу

фаолиятнинг мувофиқлаштирувчиси этиб тайинланди, банклар ва тўлов ташкилотлари эса энди маълумотларнинг сизиб чиқиши ҳамда фирибгарлик операциялари учун бевосита жавобгарликни зиммасига олди. Бу қарор айнан молия секторида шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги Қонун тамойилларини амалий қўллаш механизмини ишга туширади. Бу эса шахсга доир ва транзакция маълумотларини ҳимоя қилиш стандартларига риоя қилмаслик ташкилот ва муассасалар учун ҳам обрў, ҳам молиявий жиҳатдан салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Марказлашган антифрод тизимининг яратилиши айнан банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари учун киберхавфсизликнинг янги меъёрини белгилайди. Мазкур қарорнинг 9 бандига мувофиқ, банклар, тўлов тизими операторлари, тўлов ташкилотлари ҳамда кредит бюrolари ўз транзакциялари ва бошқа зарурий маълумотларини Марказий банкнинг Ягона платформасига интеграсия қилиши; банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари антифрод тизимларини (сессия, транзакцион ва телекоммуникация) жорий этиши шарт бўлади.

Бу шуни англатадики, молия бозори иштирокчилари зиммаларига ўз тизимларида юз бериши мумкин бўлган фирибгарлик схемаларини ўз вақтида аниқлаш ва техник ҳимояни амалга ошириш масъулияти юкланади. Нафақат ўз мониторинг тизимларини ривожлантириш, балки мижозлар маълумотлари билан ишлашда, қайси маълумотлар таҳлил қилиниши, қандай шифрланиши, кимлар кириш ҳуқуқига эга бўлиши ва шу каби масалаларнинг аниқ тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлади.

Қарорнинг 7(а) банди эса, тизимларида энг кўп кибер-ҳодисалар қайд этилган ташкилотлар рўйхатини ҳар ойда эълон қилишни жорий этади. Бундай очиқ статистика кибер-гигиенани рақамли масъулиятнинг аниқ кўрсаткичига айлантиради. Энди молиявий ташкилотларнинг ахборот хавфсизлигига ёндашуви қанчалик этук эканини оммавий баҳолаш, уларнинг ички ҳимоя воситалари ва ташкилий чоралари самарадорлиги ҳамда ходимларининг тайёргарлик даражасига бевосита боғлиқ бўлади.

Ҳужжатда аҳоли орасида кибергигиенани шакллантириш бўйича ҳар йиллик чора-тадбирлар ҳам белгилаб қўйилган. Шу тариқа, давлат нафақат молиявий тизимнинг техник жиҳатдан ҳимояланганлигини кучайтирмоқда, балки ошкоралик, рақамли этуклик ва рақамли гигиена масалаларини очиқ жамоатчилик майдонига олиб чиқмоқда.

Албатта, жамиятда шахслар ўртасида кечадиган ижтимоий муносабатлар жараёнини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарур, аммо ушбу ижтимоий муаммонинг ўзини синчковлик билан аниқлаш, ўрганиш, илмий ва амалий жиҳатдан мукамал таҳлил қилиш ҳамда хулосалар бериш асосида унинг ечимига оид ишлаб чиқилган мукамал нормагина муаммони ҳал этиши мумкинлиги барчамизга аён.

Ушбу фикрдан келиб чиқиб, кибержиноятчиликдан шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш борасидаги ижтимоий муаммолардан бири бу, шахсга доир маълумотлардан фойдаланишда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар бўлиб, ушбу муаммо кибермакондаги хавфнинг тобора ўсиб боришига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги ЎРҚ-547-сон Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, шахсга доир маълумотлар муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация имконини берадиган, моддий жисмда қайд этилган ахборотдир. Бундай маълумотларни қайта ишлаш фақат қонуний, адолатли ва шаффоф асосларда амалга оширилиши мумкин.

Фойдаланувчилар онлайн кредит расмийлаштириш ёки сайтга паспорт маълумотларини киритиш вақтида маълумотлар хавфсизлиги ҳақида камдан-кам ўйлайдилар. Агар маълумотларни қайта ишлаш талаблари бузилса, маълумотлар шифрланмаса ёки ходимлар хавфсизлик масалаларига эътиборсизлик қилса, бу маълумотлар бошқа шахслар қўлига ўтиб кетиши мумкин.

Шунингдек, шахсга доир маълумотларга ишлов бериш(шахсга доир маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш бўйича бир ҳаракатни ёки ҳаракатлар мажмуини амалга ошириш)да, юзага келадиган ижтимоий муносабат, яъни маълумот эгасининг оператор (шахсга доир маълумотларга ишлов беришни амалга оширувчи давлат органи, жисмоний ва (ёки) юридик шахс) билан бўладиган мулоқот жараёни ҳам ҳар томонлама ҳимоя талаблари асосида, учинчи шахслар аралашувисиз ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, белгиланган талаблар доирасида бўлиши зарур. Чунки жиноят олами вакиллари аксарият ҳолларда ўз қурбонларини ана шундай жойлардан излайди, айниқса оператор ва мижоз ўртасидаги суҳбатнинг (шахсга доир маълумотлар, картанинг ҳимоя тизимида оид кодлар ва ҳ.к.) ошкора, баланд ёки эшитиладиган овозда кечиши фирибгарларнинг тузоғига тушишига сабаб бўлади.

Жамиятда рақамли мулоқот жараёни ортиб бораётган бир пайтда, бу борада шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш энг асосий вазифалардан бирига айланиб бормоқда, айниқса шахсга доир маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш ушбу вазифанинг устивор йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

Бу жараён дунёнинг ривожланган мамлакатлари сифатида эътироф этиладиган Германия, АҚШ ва Япония каби юқори технологик ривожланган давлатларда ҳам учраб туради. Мисол учун, 2024 йил июнида бир қатор компаниялар билан молиявий ҳамкорлик қиладиган АҚШдаги Эволве Банк & Труст банки киберхужумга учраган ва банк мижозларига оид маълумотлар

Ўғирлангани маълум қилинган. Японияда эса 2025 йил феврида NTT Communications компанияси ўз тизимига рухсатсиз кириш ҳолатини аниқлади, бу эса 17 000 дан ортиқ корпоратив мижозга оид маълумотлар сизиб чиқишига олиб келди.

Германияда 2023 йил октябрида эса Südwestfalen IT номли IT-хизматлар провайдерига товламачи-дастур орқали қилинган ҳужум 70 дан ортиқ муниципалитет фаолиятини издан чиқарди ва муҳим рақамли хизматларга узоқ муддатли тўсқинликка сабаб бўлди.

Ушбу маълумотлардан шуни айтиш мумкинки, кибержиноятчиликдан шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш тизими ташкилий, меъёрий ва ижтимоий чоралар билан кучайтирилмас экан, техник жиҳозланиш ҳимояни тўлиқ қафолатлай олмайди.

Ўзбекистонда ҳам бу муаммо жиддий аҳамиятга эга. Ички ишлар вазирлиги ва Киберхавфсизлик маркази маълумотларига кўра, 2023 йилда 5,5 мингта кибержиноят содир этилган бўлса, 2024 йилда киберхавфсизлик соҳасида 58,8 мингта жиноят қайд этилган. Уларнинг асосий қисми фуқароларнинг банк пластик карталаридан маблағларни ечиб олиш билан боғлиқ ҳолатларга тўғри келган.

Шундай қилиб, кўриниб турибдики, шахсга доир маълумотларни самарали ҳимоя қилиш учун фақатгина технологиянинг ўзи этарли эмас — бу борада ҳам ташкилий, ҳам ҳуқуқий чоралар зарур.

Шахсга доир маълумотлар – бу инсоннинг рақамли аксидир: унга инсоннинг исми ва паспортдан бошлаб молиявий маълумотлари, тиббий тарихи ва хулқ-атвор одатларигача кириши мумкин. Уларни ҳимоя қилиш – фирибгарлик, товламачилик, камситиш ва нафақат алоҳида фуқарога, балки бутун жамиятга жиддий зарар этказиши мумкин бўлган бошқа турдаги суистеъмол қилишнинг олдини олиш учун зарур.

Кибержиноятчиликдан шахсга доир маълумотларни ҳимоялашнинг зарурати нақадар муҳимлигини ушбу фикрдан ҳам кўриш мумкин. Чунки бундай маълумотлар фирибгарлик жинояти содир этилишининг энг зарур ва асосий воситаси бўлиб, жиноятчилар ушбу маълумотлардан нафақат моддий фойда олиш мақсадида, балки, маълумот эгасини ҳоҳлаганча манупуляция қилиш орқали ҳатто сиёсий таъсир ўтказиш имкониятига ҳам эга бўлиши мумкин

Ўзбекистонда шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини киберфирибгарликдан ҳимоя қилишга оид кўплаб меъёрий ҳужжатлар қаторида асосийлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин, булар:

- Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида» 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ-547-сон Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ-764-сон Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида» 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 8 февралдаги 71-сон қарори ;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2022 йил 5 октябрдаги 570-сон қарори;

- Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (462-моддаси);

- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1412-моддаси).

Ўзаро боғлиқликда кўриб чиқилганда, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кибержиноятчиликдан шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш мақсадида шахсга доир маълумотларнинг махфий ахборот тоифасига киришини аниқ кўрсатиб ўтган. “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонун (ЎРҚ-764) шахсга доир маълумотларни тўғридан-тўғри тилга олмаса-да, у муҳим ва давлат ахборот тизимлари учун мажбурий киберҳимоя техник чораларини белгилайди – айнан шундай тизимларда кўпинча шахсга доир маълумотлар қайта ишланади. “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига кўра, шахсга доир маълумотлар махфий ахборот тоифасига киритилган, шу сабабли уларни ўз ичига олган тизимлар объектив равишда киберҳимояни талаб этади. Киберхавфсизлик тўғрисидаги қонуннинг устувор йўналиши – кибермаконда шахс манфаатларини ҳимоя қилиш (6-модда) бўлиб, бу шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун вазифалари билан ғоявий жиҳатдан мос келади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда кибержиноятларнинг халқаро миқёсда кун сайин ошиб бораётганлигини, бу йўналишда янгидан янги хавф турларининг пайдо бўлаётганлигини инобатга олган ҳолда Республикамизда аҳоли учун кўрсатилаётган рақамли хизматлар сифатини назорат қилиш ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида, дастурий таъминот, онлайн хизматлар ва рақамли маҳсулотларни баҳолаш учун маълум стандартларни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд;

- Кибержиноятлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш мақсадида, ўзига нисбатан содир этилган ҳуқуқбузарлик юзасидан онлайн шикоят қилиш платформаларини яратиш;

- Кибержиноятлар бўйича фуқароларнинг рақамли саводхонлигини ошириш мақсадида киберхавфсизлик ва интернетда хавфсиз хулқ-атвор қоидаларини ўргатувчи таълим дастурларини жорий этиш;

- Кибержиноятларга қарши курашиш самарадорлигига эриши учун ушбу фаолиятни трансчегаравий тартибга солишнинг аниқ мақсадга қаратилган

механизмларини ишлаб чиқиш, бунинг учун халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш;

Маълумки, бугунги кунда барча соҳаларга нисбатан рақамли муносабатларнинг таъсири кун сайин ортиб бормоқда, бу эса ўз навбатида бу борада шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини турли хил киберхужумлардан ҳимоялаш заруратини ҳам келтириб чиқармоқда. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини соҳага мослаштириш ҳуқуқий базани янада ривожлантириш, шунингдек, қонунчилик ижро тизимида назоратни кучайтириш ҳамда аҳолининг рақамли саводхонлигини ошириш орқали интернет дунёсида фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш имкони бўлади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025 yil 30 apreldagi "Axborot texnologiyalari yordamida sodir etiladigan jinoyatlarga qarshi kurashish faoliyatini yanada kuchaytirishga qaratilgan chora-tadbirlar to'g'risida"gi 153-sonli qarori. <https://www.lex.uz/ru/docs/7511145>.

2. Anvar Odilov. Uzinfocom UZSOC Kiberxavfsizlik Monitoringi xizmati, departament rahbari. <https://daryo.uz/k/2025/05/23/ozbekistonda-shaxsga-doir-malumotlarning-xavfsizligi-bugungi-holati-va-kelajak-istiqbollari>

3. Таштемиров А. Кибержиноятчилик ва унинг ўзига хос шаклланиш даврлари //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – С. 133-139.

4. Абдухалилов Х. Д. Ў., Валиев Б. Б. Ў. Босқинчилик жиноятларини профилактика қилишнинг долзарб масалалари //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 7. – С. 116-119.

5. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

6. Nasilloev A. The absence of civil conflicts-a priority direction in the activities of internal affairs bodies in ensuring the rule of law //American journal of education and learning. – 2025. – Т. 3. – №. 9. – С. 770-776.

7. Таштемиров А., Нурматов Н. Айрим хорижий давлатларнинг тезкор қидирув фаолиятида соҳавий ҳамкорликнинг таҳлили //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 190-197.

8. Насиллоев А. Полиция ходимининг талаби тушунчаси ва унинг аҳамияти //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 113-115.

9. Таштемиров А., Юлдошев Х. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ва блогерлар билан ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 17. – С. 55-61.

10. Зиёдуллаев М., Абдуллаев Ф. Ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган маъмурий чеклаш чоралари тушунчаси, моҳияти ва турларига оид айрим мулоҳазалар //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 9-15.

11. Тоштемиров А. Киберфирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – С. 11.

12. Abduxalilov H. D., Xusanova M. M. Voyaga yetmagan jinoyatchining shaxsi //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 146-148.

13. Насиллоев А. Ички ишлар органларининг лицензиялаш ва хабардор қилиш тартибидаги назорат ваколатлари ва уларни такомиллаштириш масалалари //Наука и инновация. – 2024. – Т. 2. – №. 38. – С. 23-25.

14. Abduxalilov X. et al. Profilaktika inspektorining qo 'shmachilik qilish va fohishaxona saqlash bilan bog 'liq jinoyatlar bo 'yicha tezkor qidiruv bilan hamkolrligini takomillashtirish //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 78-84.